

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси. Ўзбекистон қонун ҳужжатлари тўплами. Lex.uz сайти. (Кирилган сана: 15.11.2019).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони.
3. “Ишнинг давом этиши муддатини ҳафтасига қирқ соатгача қисқартириш тўғрисида”ги 47-Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенцияси
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарори билан тасдиқланган «Алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги қисқартирилган иш кунни белгиладиган ходимлар рўйхати».
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси 21.12.2022 й. <https://xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-olij-mazhlis-va-ozbekiston-khalqiga-murozhaatnomasi>
6. uzjobs.uz сайти маълумотлари (Кирилган сана: 01.11.2019).
7. Саифназаров И.С., Кудратова У. (2019) Устоз-мураббий фаолияти ва жамиятда толерант муносабатларни шакллантириш фалсафаси <http://tsue.uz/wp-content/uploads/2019/06/6.pdf>
8. Қарор (2019). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 декабрдаги “Илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида”ги қарори.
9. Ҳотамов К.Р (2020). Ҳам таълим самарадорлигини оширайлик, ҳам иқтисодиёт ривожига ҳисса қўшайлик. Логистика ва иқтисодиёт. Илмий-электрон журнал. 1-сон. 90-97 бетлар
10. P.M. Sadler, G. Sonnert, H.P. Coyle, N. Cook-Smith, J.L. Miller The influence of teachers' knowledge on student learning in middle school physical science classrooms *American Educational Research Journal*, 50 (5) (2013), pp. 1020-1049, 10.3102/0002831213477680
11. P.L. Grossman. *The making of a teacher: teacher knowledge and teacher education Professional development and practice series*, Teachers College Press (1990)
12. L.S. Shulman. *Those who understand: Knowledge growth in teaching. Educational Researcher*, 15 (4) (1986), pp. 4-14
13. L.S. Shulman. *Knowledge and teaching: Foundations of the new reform Harvard Educational Review*, 57 (1) (1987), pp. 1-22
14. M. Schneider, F. Preckel *Variables associated with achievement in higher education: A systematic review of meta-analyses. Psychological Bulletin*, 143 (6) (2017), pp. 565-600, [10.1037/bul0000098](https://doi.org/10.1037/bul0000098)
15. K.A. Feldmann. *Identifying exemplary teachers and teaching: Evidence from student ratings. R.P. Perry, J.C. Smart (Eds.), The scholarship of teaching and learning in higher education: An evidence-based perspective*, Springer (2007), pp. 93-129
16. A. Panayiotou, B. Herbert, P. Sammons, L. Kyriakides. *Conceptualizing and exploring the quality of teaching using generic frameworks: A way forward. Studies in Educational Evaluation*, 70 (2021), Article 101028, [10.1016/j.stueduc.2021.101028](https://doi.org/10.1016/j.stueduc.2021.101028)
17. <https://kun.uz/news/list?f=tag&name=>
18. <https://kun.uz/news/2020/03/12/oz>



**ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
КОНЦЕПЦИЯСИ АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ТИЗИМЛИ
ИСЛОҲОТЛАР ТАҲЛИЛИ**

Джуманиязов Умрбек Илхамович -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
“Жаҳон иқтисодиёти” кафедраси доценти

 https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss4/a44

Аннотация. Ушбу илмий мақолада Ўзбекистонда сўнги 6 йил давомида олий таълим соҳасини ривожлантириш концепцияси асосида амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар таҳлил этилган бўлиб, истиқболда соҳани янада ривожлантириш бўйича бажарилиши зарур бўлган вазифалар таклиф этилган.

Калит сўзлар: ECTS - European Credit Transfer and Accumulation System, HEMIS - Higher Education Management Information Systems, академик ва молиявий мустақиллик, кредит-модуль тизими, халқаро аккредитация.

**АНАЛИЗ СИСТЕМНЫХ РЕФОРМ, РЕАЛИЗУЕМЫХ НА ОСНОВЕ КОНЦЕПЦИИ РАЗВИТИЯ
ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ**

Джуманиязов Умрбек Илхамович -
Ташкентский государственный экономический университет
доцент кафедры «Мировая экономика»

Аннотация. В данной научной статье анализируются работа и достигнутые результаты на основе концепции развития сектора высшего образования в Узбекистане за последние 6 лет, а также предлагаются задачи, которые необходимо выполнить для дальнейшего развития сектора в будущем.

Ключевые слова: ECTS - European Credit Transfer and Accumulation System, HEMIS - Higher Education Management Information Systems, академическая и финансовая независимость, система кредитных модулей, международная аккредитация.

ANALYSIS OF SYSTEMATIC REFORMS IMPLEMENTED IN UZBEKISTAN ON THE BASIS OF THE CONCEPT OF HIGHER EDUCATION DEVELOPMENT

*Djumaniyazov Umrbek Ilhamovich -
Tashkent State University of Economics
Associate Professor of the "World Economy" Department*

Abstract. This scientific article analyzes the work and results achieved on the basis of the concept of development of the higher education sector in Uzbekistan over the past 6 years, and also suggests the tasks that need to be completed for the further development of the sector in the future.

Keywords: ECTS - European Credit Transfer and Accumulation System, HEMIS - Higher Education Management Information Systems, academic and financial independence, credit module system, international accreditation.

Кириш. Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида сўнги 6 йил давомида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сонли Фармони асосида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш белгилаб берилган бўлиб, жумладан:

- олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, ҳудудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш асосида олий таълим билан қамров даражасини 50 фоиздан ошириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш;

- республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш;

- халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш;

- олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;

- олий таълим муассасаларининг академик мустақиллигини таъминлаш;

- олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий-тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш фаолиятининг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепциясини босқичма-босқич жорий этиш;

- Ўзбекистон олий таълим тизимини Марказий Осиёда халқаро таълим дастурларини амалга оширувчи «хаб»га айлантириш [1].

Юқорида баён этилган вазифалар, бугунги кунда олий таълим тизимида босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Шунингдек, ислохотлар ижросини узвий барқарорлигини таъминлаш учун олий таълим соҳасини янада ривожлантириш мақсадида тизимни босқичма-босқич халқаролаштиришни талаб этилади. Бу эса, ўз-ўзидан ушбу мавзу доирасида қатор ривожланган давлатларнинг тажрибаларини таҳлилий ўрганиш ва тадқиқотларни олиб боришни тақозо этади.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Сўнги йилларда олий таълим соҳасини ривожлантиришнинг илмий-назарий ва методологик муаммоларининг баъзи жиҳатлари Фарб мамлакатлари, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ҳамда маҳаллий олимларнинг илмий ишларида татқиқ этилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари олимларидан И.А.Ирина ва Е.Н.Фанина томонидан олиб борилган илмий тадқиқотларда олий таълимни ривожлантириш замонавий тенденциялари ўрганилган бўлиб, олимлар ушбу тадқиқот ишларида глобаллашув жараёнларида олий таълим соҳасида ўзгаришлар, олий таълим ва амалиёт интеграцияси, илмий тадқиқотларга асосланган олий таълим натижаларини тижоратлаштириш, профессор-ўқитувчилар ва талабалар мобиллиги, масофавий олий таълим масаларини [2] татқиқ этишган.

Шу билан бирга, Е.В.Никитенко - олий таълимни ривожлантириш тенденцияси сифатида Европа давлатлари олий таълим соҳаси тажрибаларига мувофиқ равишда қуйидагиларни самарали йўлга қўйиш зарур, деб ҳисоблайди.

- Ўзгарувчан жаҳон меҳнат бозори талабларига жавоб бера оладиган кадрлар тайёрлаш;

- Профессор-ўқитувчилар ва талабаларни академик мобиллик асосида алмашинув дастурларини халқаро стандартлар асосида йўлга қўйиш;

- Аҳолини олий таълим билан қамровини оширишда рақобатбардошлик муҳитини шакллантириш [3].

Мамлакатимиз олимларининг тадқиқотларида ҳам олий таълим тизимини ривожлантириш масалаларининг айрим жиҳатлари ўрганилган бўлиб, академик С.С.Ғуломов томонидан олиб борилган илмий тадқиқотларда асосан, олий таълим тизимини самарали бошқарувни йўлга қўйиш ва бунинг соҳани халқаро стандартларга мувофиқ рақамлаштириш алоҳида эътибор қаратилган [4].

Шунингдек, Б.Ю.Ходиев эса, олий таълим соҳасини ривожлантиришда замонавий янги ўқув адабиётларнинг аҳамиятини алоҳида ажратиб кўрсатади. Яъни, бунинг учун олий таълим муассасаларидаги кутубхоналар фаолиятини ўзгарувчан тараққиёт муҳитига мос равишда босқичма-босқич ривожланиш зарур[5] деб таъкидлайди.

Қолаверса, Т.З.Тешабоев томонидан олиб борилган тадқиқотларда олий таълим тизимида инновацион фаолиятни йўлга қўйиш ва бу рақамли технологиялар асосида бошқарилиши мақсадга мувофиқлиги таъкидланган [6].

Академик К.Х.Абдурахмонов илмий ишларида олий таълимни ривожлантириш учун замонавий менежмент усуллари қўллаш ва соҳани халқаро стандартларга мос равишда ислоҳ қилиш кераклигини эътироф этиб ўткан [7].

Бироқ, ушбу ишларда олий таълим соҳасини ривожлантиришда сифатни ошириш, олий таълим муассасаларини институционал шаклда аккредитациядан ўтказиш ва таълим йўналишларини халқаро стандартларга мослаштириш ва трансформациялаш билан боғлиқ масалалар яхлит илмий изланиш сифатида амалга оширилмаганлиги илмий мақоламизнинг мақсади ва вазибаларини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқот методологияси. Олий таълим, фан ва инновациялар соҳасидаги маълумотларни таҳлилий ўрганиш асосида илмий мушоҳада, абстракт-мантиқий фикрлаш, статистик, иқтисодий ва молиявий таҳлил, эксперт баҳолаш усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Сўнгги йилларда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларига ҳамда халқаро стандартлар талабларига мос келадиган олий таълим тизимини яратиш бўйича кенг қўлланма ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур амалга оширилган ишларнинг натижасида, ўтган 6 йил мобайнида олийгоҳлар сони 77 тадан 210 тага етказилди (1-жадвал).

1-жадвал

2016-2022 йилларда Ўзбекистон ҳудудлари кесимида олий таълим муассасалари сонини ўсиш кўрсаткичлари

№	Ҳудудлар номи	Ҳудудлар кесимида олий таълим муассасалари тақсими						
		2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	6	6	9	9	9	10	12
2.	Андижон вилояти	5	5	5	5	6	8	10
3.	Бухоро вилояти	5	4	4	4	4	5	10
4.	Жиззах вилояти	2	2	2	3	3	5	5
5.	Қашқадарё вилояти	3	3	3	6	6	6	12
6.	Навоий вилояти	2	2	2	2	2	2	3
7.	Наманган вилояти	3	3	3	3	3	3	9
8.	Самарқанд вилояти	8	8	9	11	12	13	15
9.	Сурхондарё вилояти	1	3	5	6	6	6	7
10.	Сирдарё вилояти	1	1	1	1	2	2	3
11.	Тошкент вилояти	3	4	6	7	7	8	14
12.	Фарғона вилояти	4	5	7	9	10	11	13
13.	Хоразм вилояти	2	2	3	3	4	5	9
14.	Тошкент шаҳри	27	27	31	39	48	60	88
	Жами:	72	75	90	108	122	144	210

Манба: муаллиф ишланмаси.

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, 2016 йилда Республикада олий таълим муассасалари сони 77 тани ташкил этган бўлса, 2022 йилга келиб эса 210 тага етган. Яъни, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ва хусусий секторни жалб қилиш орқали 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 210 та олий таълим муассасаларидан 36 тасини университетлар, 48 таси-

ни институтлар, 4 тасини академиялар, 26 тасини филиаллар, 1 тасини консерватория (жами давлат ОТМлари сони 115 та), 30 тасини хорижий филиаллар ва 65 тасини нодавлат олий таълим муассасалари ташкил этмоқда.

Ҳудудлар кесимида энг кўп ОТМлари Тошкент шаҳри 88 та (41%), Самарқанд 15 та (7%), Тошкент вилояти 14 та (6%), Фарғона 13

та (5%) вилоятларига тўғри келса, энг кам улуш Сирдарё 3 та (1%), Навоий 3 (1%) тадан олий ўқув юртлари фаолият юритаётганлигини кўришимиз мумкин.

Шу билан бирга, олий таълим муассасаларига қабул параметрлари 3,5 бараварга ортди ва ушбу кўрсаткичлар қуйидаги 2-жадвалда акс эттирилган.

2-жадвал

2016-2022 йилларда Ўзбекистонда олий таълим муассасаларига қабул параметрлари кўрсаткичлари

№	Йиллар	Абитуриентлар сони	Бакалавриат учун квота	Магистратура учун квота
1.	2016	663298	57907	5000
2.	2017	729947	66316	5000
3.	2018	726120	69200	5903
4.	2019	1066987	109428	7695
5.	2020	1465892	139950	10425
6.	2021	984525	157755	12900
7.	2022	1214232	197858	16933

Манба: муаллиф ишланмаси.

Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларини 3.5 баробарга оширилиши асосида ёшлар-

ни олий таълим билан қамров даражаси 9 фоиздан 42 фоизга оширишга эришилди ва ушбу кўрсаткичлар қуйидаги 3-жадвалда акс эттирилган.

3-жадвал

2017-2023 йилларда Ўзбекистонда олий таълим муассасаларига қамров даражаси кўрсаткичлари [16]

№	Кўрсаткичлар	Йиллар кесимида қамров натижалари						
		2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023
1.	Олий таълим билан қамров (республика бўйича)	9	15	20	25	29	38	42

Манба: муаллиф ишланмаси.

Миллий олий таълим тизимидаги академик фаолиятни халқаро тан олинадиган тизим асосида трансформация қилиш мақсадида олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёни тўлиқ кредит-модуль тизимига ўтказилди (асос сифатида Европанинг **ECTS - European Credit Transfer and Accumulation System** тизими қабул қилинди).

Мазкур тизимни жорий қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги “Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 824-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, ушбу қарор асосида “Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланган. Бугунги кунда барча маҳаллий олий таълим муассасаларида ушбу Низом асосида ўқув жараёнига кредит-модуль тизими татбиқ этилган.

Маълумки, 2021 йил 24 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан олий таълим тизимини туб ижобий ўзгаришларга олиб келадиган олий таълим муассасаларига молиявий, академик ва ташкилий-бошқарувда

мустақиллик бериш борасидаги “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинди.

Ушбу қарорлар асосида 41 та давлат олий таълим муассасаларига (4-жадвал) молиявий, академик ва ташкилий-бошқарувда мустақиллик берилди ва бу эса олий таълим муассасаларига бир қатор энгилликлар бериш билан бирга, профессор-ўқитувчилар ва талабаларга ҳам катта қулайлик яратиб берди.

Мисол учун, академик мустақиллик берилиши натижасида олий таълим муассасалари ўқув режалари, ўқув дастурлари, малака талабларини, таълим шаклини белгилаш, ўқиш давомийлигини, ўз ҳисобидан грант ажратиш докторантурага квотага қўшимча қабул қилиш, магистратура учун сиртқи, масофавий ва кечки таълимни жорий этиш, ўз грифи асосида дарсликлар ҳамда бошқа ўқув ва илмий адабиётларни яратиш ва нашр этиш, таълим сифатини ички назорат қилиш, контракт қийматини, маҳаллий ва хорижий профессор-ўқитувчи ва му-

тахассисларни шартнома асосида жалб қилиш, хорижий ўқув ва илмий адабиётлар, дарсликлар, ўқув қўлланмаларни тўғридан-тўғри харид қилиш каби бир қатор муҳим бўлган вазифаларни ўзи ҳал қилиш имкониятига эга бўлди.

Шунингдек, молиявий-иқтисодий масалалари бўйича молиявий барқарорликни таъмин-

лаш, моддий-техника базани мустаҳкамлаш, контракт асосидаги қабул параметрларини белгилашда мустақил ҳал этиш имконияти яратилди. Ҳар бир олий таълим муассасаси томонидан ўқув режалар ва ўқув дастурларини мустақил ишлаб чиқиши ва тасдиқланиши тартиби жорий этилди.

4-жадвал

Академик ва молиявий мустақиллик берилган олий таълим муассасалари

№	Худудлар номи	Олий таълим муассасалари номлари
1.	Самарқанд вилояти	1. Самарқанд давлат чет тиллари институти 2. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти 3. Самарқанд давлат тиббиёт институти 4. Самарқанд давлат университети
2.	Тошкент шаҳри	1. Тошкент давлат юридик университети 2. Тошкент давлат иқтисодиёт университети 3. Тошкент молия институти 4. Тошкент давлат шарқшунослик университети 5. Тошкент фармацевтика институти 6. Тошкент давлат транспорт университети 7. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети 8. Тошкент кимё технология институти 9. Ўзбекистон миллий университети 10. Тошкент давлат техника университети 11. Тошкент тиббиёт академияси 12. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети 13. Тошкент педиатрия тиббиёт институти 14. Тошкент давлат стоматология институти 15. Тошкент ахборот технологиялари университети 16. Геология фанлари университети 17. Тошкент ахборот технологиялар университети 18. Тошкент давлат педагогика университети 19. "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" миллий тадқиқот университети 20. Тошкент архитектура-қурилиш университети 21. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети 22. Фискал институт 23. Халқаро қишлоқ хўжалиги университети
3.	Хоразм вилояти	1. Урганч давлат университети
4.	Қорақалпоғистон Республикаси	1. Қорақалпоқ давлат университети 2. Қорақалпоғистон тиббиёт институти
5.	Бухоро вилояти	1. Бухоро давлат университети 2. Бухоро давлат тиббиёт институти
6.	Андижон вилояти	1. Андижон машинасозлик институти 2. Андижон давлат университети 3. Андижон давлат тиббиёт институти
7.	Қашқадарё вилояти	1. Қарши давлат университети
8.	Сурхондарё вилояти	1. Темиз давлат университети
9.	Тошкент вилояти	1. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети 2. Тошкент давлат аграр университети
10.	Сирдарё вилояти	1. Гулистон давлат университети
11.	Наманган вилояти	1. Наманган давлат университети
12.	Фарғона вилояти	1. Фарғона давлат университети

Манба: муаллиф ишланмаси.

Олий таълим тизимида 28 та давлат таълим стандартлари ўрнига 2 та давлат таълим стандарти – "Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар" ва "Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори" қолдирилди. Улар UNESCO томонидан жорий этилган "Таълимнинг халқаро стандарт

классификацияси" (ТХСК 2011) ва "ТХСК: Таълим ва касбий тайёрлаш соҳалари" (ТХСК-С 2013) асосида қайта ишлаб чиқилди Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан тасдиқланди ва давлат рўйхатидан ўтказилиб таълим жараёнига татбиқ этилди.

Янги стандартлар ва малака талаблари асосида кредит-модуль тизимида мос равишда

625 та бакалаврият таълим йўналиши ва 634 та магистратура мутахассислиги бўйича ўқув режалар ҳамда 4,7 мингдан зиёд ўқув дастурлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сони 2 баробарга қисқартирилди.

Нодавлат таълим ташкилотларини ташкил этиш бўйича лицензия талаблари ва шартлари соддалаштирилди. Лицензия олиш тизими тўлиқ рақамлаштирилди. Нодавлат олий таълим ташкилотларида 170 минг нафардан ортиқ талаба-ёшлар таҳсил олмақда. Ушбу нодавлат таълим ташкилотларида 15 мингга яқин ишчи ўринлар яратилди.

Республика олий таълим муассасаларига талабалikka қабул қилишда қизлар учун алоҳида давлат грантлари асосидаги қабул кўрсаткичи ажратилди. 2021 йилдан эса эҳтиёжманд оилалар фарзанди бўлган хотин-қизлар учун давлат гранти 2 бараварга оширилди.

Шу алоҳида таъкидлаш лозимки, таълим сифатини ташқи таъминлаш бўйича 30 нафардан иборат экспертлар гуруҳи шакллантирилди ва улар халқаро даражада аккредитациядан ўтказувчи мутахассис сифатида нуфузли хорижий экспертлар томонидан малакаси оширилди.

Олий таълим бошқарув тизимини рақамлаштириш мақсадида Рақамли университет лойиҳаси доирасида “Олий таълим жараёнларини бошқариш ахборот тизими” (**HEMIS - Higher Education Management Information Systems**) ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

Мазкур ахборот тизими олий таълим муассасаларининг административ, академик, илмий ва молиявий фаолиятларини автоматлаштириш, ўқув жараёнларини ташкил этиш, мониторингини олиб бориш ва бошқариш, масофадан онлайн ўқиш таълим хизматларини ташкил этиш ҳамда вазирлик ахборот тизими билан ахборот алмашиш вазифасини бажаради.

Тизимнинг олий таълим муассасалари томонидан бакалавр ва магистр битирувчи талабаларига QR-кодли дипломларни шакллантириш, тасдиқлаш ва талабаларга тақдим қилиш модули ишлаб чиқилиб, амалда фойдаланиш йўлга қўйилди.

Малака оширишнинг анъанавий (малака ошириш марказларида тўғридан-тўғри ўқиш) шакли билан биргаликда мустақил ва муқобил ҳамда масофавий малака ошириш шакллари амалиётга жорий этилди.

Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрлари қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари учун 25 та таълим соҳалари бўйича малака талаблари ҳамда 223 та йўналиш бўйича ўқув режа ва дастурлар ҳамда 857 та ўқув-услубий мажмуалар ҳамда ўқув ресурслари ишлаб чиқилиб, Бош илмий-методик марказнинг электрон кутубхонаси (lib.bimm.uz) ва ма-

софавий курслар электрон платформасига жойлаштирилди.

Сўнгги йилларда олий таълим муассасаларининг 3 094 нафар раҳбар ва 29 973 нафар педагог жами 33 067 нафар раҳбар ва педагог кадрлари 223 та йўналишда малака оширишди.

Ушбу малака ошириш курсларига жами 774 нафар хорижий мутахассислар жалб этилган бўлиб, уларнинг 193 нафарини Европа, 131 нафарини Америка, 176 нафарини Осиё мамлакатлари ҳамда 274 нафарини МДХ давлатларининг мутахассислари ташкил қилди.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ ҳамда минтақавий ва тармоқ марказлари ягона ахборот тизимида уланган бўлиб, ўқув жараёнлари тўлиқ рақамлаштирилди. Педагогик ҳамда инновацион компетентликни доимий ошириб бориш мақсадида онлайн очиқ курслар портали (<http://mk.bimm.uz/>) фаолияти йўлга қўйилди.

Сўнгги 6 йилда олий таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлик ва грант дастурлари доирасида 8 636 нафар профессор-ўқитувчилар хорижий олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларига малака ошириш ва стажировка ўташ учун юборилди.

Олий таълим муассасаларида таълим сифати ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида 7 385 нафар хорижлик мутахассислар ўқув жараёнига жалб қилинди.

Хулоса ва таклифлар. Тадқиқотларимиз натижасидаги таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, республикада олий таълим тизими босқичма-босқич комплекс равишда халқаро стандартларга мос равишда тараққий этмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистонни Марказий Осиёнинг олий таълим марказига айлантириш учун таълим сифатини ошириш ва уни самарали бошқариш тизимини замонавий мезонлар асосида янгилаш талаб этилади. Бунинг учун:

1. Таълим сифатини оширишга тўсқинлик қилаётган муаммолар ва сабабларни аниқлаш ҳамда олий таълим тизимини модернизация қилиш истиқболлари ва “ўсиш нуқталари”ни ўрганиш;

2. Таълим сифатини халқаро талабалар асосида таъминлаш мақсадида Европа ҳудудида олий таълим сифатини таъминлаш стандартлари ва йўриқномаларини олий таълим муассасаларига жорий этиш;

3. Олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш сифати мониторингини амалга ошириш бўйича меъёрларни белгилаш ва олий таълим муассасалари томонидан кадрлар сифатини мониторингини йўлга қўйиш;

4. Олий таълим муассасаларида юқори таълим сифатини таъминлаш юзасидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, бу борада оммавий ахборот воситалари ва бошқа фуқа-

ролик жамияти институтлари билан яқиндан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш лозим.

Умуман олганда, олий таълим соҳасида таълим сифатини таъминлаш энг қуйи поғонадан бошлаб, мисол учун, ўқув дастурини ишлаб чиқишдан тортиб, тизимнинг асосий маҳсулоти

ҳисобланган тез ўзгарувчан бозор талабларига жавоб бера оладиган кадрларни тайёрлашга бўлган барча жараёнларни қамраб оладиган мутлақо замонавий ҳамда янги механизмни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сонли Фармони. www.lex.uz
2. Ирина И.А., Фанина Е.И. Современные тенденции развития высшего образования // ISSN 1991-5497 Мир науки, культуры, образования (электронный журнал) // № 5 (96) 2022.
3. Никитенко Е.В. Тенденции развития высшего образования в России в условиях его модернизации. Высшее образование в России. 2014; № 7: 44-49.
4. Ғуломов С.С. Дистанционное экономическое образование. – Т.: Шарқ, 2004, - 203 б.;
5. Ходиев Б.Ю. Олий иқтисодий таълим тизими учун замонавий ўқув адабиётлар яратиш: янги стандарт талаблари, тузилиши, мазмуни. – Т.: ТДИУ, 2005.- 168 б.;
6. Тешабаев Т.З. Олий таълим тизимида инновацион фаолиятни ахборот технологиялари асосида бошқаришни такомиллаштириш. Иқт.ф.д. ...дисс. автореф. – Т.: ТДИУ, 2019.;
7. Абдурахмонов К.Х. и др. Современный менеджмент и реформирование системы образования в Узбекистане. – Т.: Изд-во РЭА им. Г.В. Плеханова. – 2005. – 240 с.



ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМГА БЎЛГАН ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ ЎЗГАРИШИ ҲАМДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ БИЛАН ҚАМРОВ ДАРАЖАСИ ТАҲЛИЛИ

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss4/a45

Валиев Шамсиддин Эшпулатович -
Рақамли иқтисодиёт ва агротехнологиялар
университети
Иқтисодий ишлар бўйича проректори

Аннотация. Олий таълимга бўлган талаб ва таклифни ўрганиш мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ажралмас қисми ҳисобланади. Мақолада олий таълимга бўлган талаб ва таклифнинг назарий асослари ўрганилган. Шунингдек, Ўзбекистондаги олий таълим талаби ва таклифига тегишли кўрсаткичлар таҳлил қилинган. Олий таълимга бўлган талабнинг қондирилиш хусусиятлари асосида даврийлаштириш амалиёти ва унинг Ўзбекистонга хос жиҳатлари ўрганилган. Қилинган таҳлиллар асосида хулосалар олинган ва таклифлар билдирилган.

Калит сўзлар: олий таълимга бўлган талаб ва таклиф, олий таълим билан қамров даражаси, олий таълимни талабни қондириш хусусиятига кўра даврийлаштириш, олий таълим талаби ва таклифига таъсир этувчи омиллар.

ДИНАМИКА СПРОСА И ПРЕДЛОЖЕНИЕ ВЫСШЕМ ОБРАЗОВАНИЕМ УЗБЕКИСТАНА И АНАЛИЗ ОХВАТА ВЫСШЕМ ОБРАЗОВАНИЕМ

Валиев Шамсиддин Эшпулатович -
Университет цифровой экономики и агротехнологий,
Проректор по экономическим вопросам

Аннотация. Изучение спроса и предложения высшего образования является неотъемлемой частью социально-экономического развития страны. В статье рассматриваются теоретические основы спроса и предложения на высшее образование. Также были проанализированы показатели, связанные со спросом и предложением высшего образования в Узбекистане. На основе особенностей удовлетворения спроса на высшее образование изучена практика периодизации и ее специфические аспекты в Узбекистане. На основе анализа были сделаны выводы и внесены предложения.

Ключевые слова: спрос и предложение на высшее образование, уровень охвата высшим образованием, периодизация высшего образования, факторы влияющие на спрос и предложения высшего образования.